

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

С.У.Меҳмонов, З.Н.Қурбанов, К.Р.Ҳотамонов

БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ



УДК: 336.1(575.1)

Мазкур ўқув қўлланма бюджет ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг долзарб масалалари ҳамда илмий ва услубий жиҳатлари ёритилган ўқув қўлланмада бюджет ҳисобига доир иборалар, тушунчалар, ўзлаштириш учун саволлар, адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг 5A230902 – “Аудит” (молия соҳасида) ҳамда 5A230602 “Давлат молиясини бошқариш” мутахассисликлари тингловчилари, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчиларга мўлжалланган бўлиб, ундан бюджет соҳасида фаолият қилаётган ҳисобчи мутахассислар, шунингдек бу фанга қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Такрирчилар:

Б.Ҳамдамов

Тошкент молия институти, “Бюджет ҳисоби” кафедраси доценти, PhD

Н.Ризиев

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, “Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг ўқув-услубий кенгашида муҳокама этилган ва тасвир қилинган
(1-сонли баённома, 2018 йил 5 январ)

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	5
I БОБ	Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи” фаннинг предмети ва услубиёти, Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, унинг назарий-услубий асослари	6
1.1	“Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи” фаннинг предмети ва услубиёти	6
1.2	Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг сётлар режаси ва тузилиши	19
1.3	Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблаглар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда штаглар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш гартинби Назорат саволлари	21 27
	Мустақил таълим саволлари	28
	Глоссарий	28
	Тестлар	29
II БОБ	Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби	33
2.1	Асосий воситалар ҳисоби	33
2.2	Номоддий активлар ҳисоби	42
2.3	Товар-моддий захиралар ҳисоби	48
	Назорат саволлари	55
	Мустақил таълим саволлари	55
	Тестлар	56
III БОБ	Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби	61
3.1	Ҳисобварақлардаги пул маблаглари ҳисоби	61
3.2	Касса муомалалари ҳисоби	66
3.3	Бошқа пул маблаглари ва молиявий қўйилмалар ҳисоби	67
	Назорат саволлари	69
	Мустақил таълим саволлари	70
	Глоссарий	70
	Тестлар	71
IV БОБ	Бюджет ташкилотларида дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби	75
4.1	Тури дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби	75
4.2	Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби	82
4.3	Хозирлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби	86
	Назорат саволлари	96
	Мустақил таълим саволлари	97

	Глоссарий	98
	Тестлар	98
V БОБ	Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби	102
5.1	Бюджет маблаглари бўйича жорий йил молиявий натижалар ҳисоби	102
5.2	Бюджетдан ташқари маблаглари бўйича жорий йил молиявий натижалар ҳисоби	105
5.3	Якуний молиявий натижалар ҳисоби	116
	Назорат саволлари	119
	Мустақил таълим саволлари	120
	Глоссарий	121
	Тестлар	121
VI БОБ	Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар	126
6.1	Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар, уларни тузиш ва тақдим этиш тартиби	126
6.2	Молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартиби	128
6.3	Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари ахборот мақониятлари	131
	Назорат саволлари	134
	Мустақил таълим саволлари	135
	Глоссарий	135
	Тестлар	136
	Фойдаланилган адабиётлар руйхати	139

КИРИШ

Иктисодийётнинг глобаллашуви шароитида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва назорат қилиш иктисодий аҳамиятга эга. Бу шароитда бюджет ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳимдир. Бугунги куннинг асосий вазифалардан бири мавжуд бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини нафақат миллий даражада, балки, халқаро стандартларга мувофиқлаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясида “давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларни давлат секторида ҳисобга олишнинг халқаро стандартларига мослаштириш орқали уларнинг шаффофлигини таъминлаш”¹ дея давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларни шаффофлигини таъминлаш лозимлиги мақсад қилиб қўйилган.

Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетлари даромадлари ва харажатлари ижроси ҳисоби, бюджет ссудалари ҳамда бюджетлар уртасида ўзаро ҳисоблашувлар ҳисоби, бюджетлар ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлари, бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари, бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби, бюджет ташкилотларида номолиявий ва молиявий активлар ҳисоби, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби, ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби, молиявий натижалар ҳисоби, бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар тартиби, бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари турлари ва улардан фойдаланиш масалаларини қамрайди.

Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари, бюджет ташкилотларида асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий захиралар ҳисоби, бюджет ташкилотларида товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби, ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби, бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби, бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар, уларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш тартиби, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари, бюджет касса ижросига оид ҳисоботлар, молия органларида давлат бюджети ижросига оид ҳисоботлар, бюджет ижросига оид ҳисоботларни умумлаштириш, куриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тартиби каби масалалар куриб чиқилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

I БОБ. “БЮДЖЕТ ХИСОБИ ВА ХИСОБОТИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИЁТИ, БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. “Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи” фанининг предмети ва услубиёти

Маълумки бюджет тушунчаси кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Шундай экан энг аввало бюджет тушунчасига аниқлик киритиб олишимиз зарур.

Бюджет - мақсад учун мўлжалланган пул жамғармаси бўлиб унда даромадлар ва харажатлар манбаалари ва йўналишлари назарда тутилади. Шу жиҳатдан оила бюджети, корхона бюджети, давлат бюджети, давлат жамғармалари бюджети ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ҳисоб - жараён, ҳодисаларни миқдор жиҳатдан тавсифлаш сифат жиҳатдан акс эттиришдир. Ҳисобни ҳам бир қанча турларга ажратиб мумкин, яъни тезкор ҳисоб, статистик ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби ва бошқалар. Ҳисобни ташкил этиш асосида ахборотлар шакллантирилади. Бу ахборотлар жараёни боришини назорат қилишга, бошқарув қарорларини қабул қилишга, жорий ва узок муддатли режалар тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бу икки тушунчани бириктириш ҳисобига бюджет ҳисобини моҳияти келиб чиқади.

Бюджет ҳисоби бюджет тизими бюджетларини ижро этишда ҳисобга олинган, пулда ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг, шунингдек мазкур активлар ва мажбуриятларни ўзгартирувчи операцияларнинг ҳолати туғрисидаги ахборотни туплаш, руйхатдан утказиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидир².

Бюджет тизими бюджетлари - Бюджет тизими барча даражадаги (Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари) бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблаглар жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси) бюджетлари ва бюджет

²Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси” 161-модда.

ташкilotларининг бюджетдан ташқари(бюджет ташкilotининг ривожлантириш жамгармаси, Тиббиёт ташкilotларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари, бюджет ташкilotларининг ундирилладиган тўловлар ҳисобига шакллантирилган бюджетдан ташқари маблағлари) жамгармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкilot этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди


Бюджет жараёни — бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, қўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси туғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни³.

Активлар – келгусида иқтисодий наф келтириши кутилаётган моддий ва молиявий маблағлар бўлиб ҳисобланади.

Мажбуриятлар - муайян ҳуқуқий муносабатдан иборат бўлиб, унинг амал қилиши орқали бир шахс (қарздор) иккинчи шахс кредитор фойдасига маълум бир ҳаракатни бажариши, мол-мулкни топшириши, ишни бажариши, хизмат кўрсатиши, пул тўлаши ёки бирор ҳаракатни бажаришдан тийилиши зарур бўлган ҳолатга айтилади

Демак юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки бюджет ҳисоби бюджет тизими бюджетлари ижроси жараёни юзасидан ахборотларни шакллантириб беради. Бу ахборотлар бюджет тизими бюджетлари ижросини ташкilot этишни назорат қилишга улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси” га мувофиқ бюджет тизими бюджетлари ижроси бўйича “Бухгалтерия ҳисоби” категорияси ўрнида “Бюджет ҳисоби” категорияси қўлланилмоқда. Шу ўрнида бу икки категорияни моҳиятини қуйидагича ақс эттириш мумкин(1-расм):



1-Расм. “Бюджет ҳисоби”, “Бухгалтерия ҳисоби” категориялари мазмуни

³Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси” 3-модда.

Демак айтиш мумкинки “Бюджет ҳисоби” категориясини, “Бухгалтерия ҳисоби” категориясига нисбатан кенгрок тушунча сифатида қўлланилганлигини эътироф этиш мумкин. Бундан ташқари бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритишда Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари қўлланилмаслиги, ҳисобни ташкилий (бухгалтерия хизматини ташкил этиш, ҳисоб юритиш шакли ва бошқалар), техник (ҳисоб регистрларини қўлланилиши, счётлар режаси, счётларнинг алоқаси ва бошқалар), услубий (мулкний кийматликларни баҳолаш, асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усуллари ва бошқалар) жиҳатларини ҳужалик юритувчи субъектлар ҳисобидан фарқ қилишини курсатиш мумкин. Шунинг учун бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисоби бўйича бухгалтерия ҳисоби эмас балки бюджет ҳисоби юритилиши белгиланган.

Бюджет ҳисоби бюджет тизими бюджетларини ижро этишда ҳисобга олинмаган, пулда ифодаданган активлар ва мажбуриятларнинг, шунингдек мазкур активлар ва мажбуриятларни ўзгартирувчи операцияларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тушуш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидир.

Бюджет ҳисоботи бюджет ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган шакллар бўйича тузиладиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилган тизимидир.

Бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг ягона услубияти Бюджет кодекси, Бюджет ҳисобининг стандартларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Бюджет тизими бюджетлари ижросининг бюджет ҳисоби:

- ✓ молия органлари;
- ✓ газначилик бўлиқлари;
- ✓ давлат солиқ хизмати органлари ва божхона органлари;
- ✓ бюджет ташкилотлари;
- ✓ давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан

юритилади.

Бюджет ҳисобини юритишдан мақсад бюджет тизими бюджетлари ижроси жараёни бўйича тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ахборотларни шакллантириб беришдан иборат.


Бюджет ҳисобини юритишни алоҳида ҳусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Бюджет таснифи асосида ҳисобни ташкил этилиши;
- Бюджетни тузиш ва ижросини назорат қилиниши
- Ҳисобини касса усулида юритилиши
- Ҳисобда касса ва ҳақиқий харажатларни акс эттирилиши
- Бюджетни газна ижроси бўйича ҳисобни ташкил этилиши ва юритилиши;
- Бюджет интизомига риоя қилиш ва бошқалар.

Бюджет ҳисобининг предмети бу бюджет тизими бюджетлари ижроси жараёнида бюджет маблаглари ва уларни манбаалари ҳаракатига оид иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Бюджет ҳисобининг вазифалари:

- Бюджет тизими бюджетларини тузиш;
 - Бюджет тизими бюджетлари ижросини амалга ошириш;
 - Бюджет тизими бюджетлари ижроси жараёни муомалаларини ҳужжатлаштириш ёрдамида руйхатга олиш ва назорат қилиш;
 - Бюджет тизими бюджетлари ижроси жараёнида ҳисобварақларда маблаглар уларнинг манбааларини ҳолати ва ҳаракатини акс эттириш;
 - Бюджет тизими бюджетлари ижросига оид ҳисоб маълумотларни умумлаштириш ва ҳисоботларни тузиш ҳамда назорат қилишдан иборатдир.
- Юқоридаги вазифаларни умумлаштириб бюджет ҳисоби функциясини қуйидагича акс эттириш мумкин (2-расм).



2-Расм. Бюджет ҳисобининг функциялари.

Назорат функцияси - орқали бюджет маблагларидан мақсадли фойдаланиш мулкларни сақлашни, тайинланиши бўйича сарфланиши тизими йўлга қуйилади.

Бюджет ҳисобида назоратни учта тури қўлланилади: даслабки назорат; жорий назорат; кейинги назорат.

Даслабки назорат - бюджетни тузиш ва тасдиқлаш жараёнида амалга оширилади. Унда бюджет интизомига риоя қилиниши шунингдек қонунчилик талаблари бузилиши олди олинади.

Жорий назорат – бюджет ижроси жараёнида амалга оширилиб содир бўлган муомалаларини қонунийлиги, пул маблагларини оқилона сарфланиши, мулкий қийматликлар бўйича ҳисоб маълумотларини ҳақиқий


ҳисоблашувлар ҳолати ва бошқалар назорати амалга оширилади.

Кейинги назорат – умумлаштириш босқичи учун зарур бўлиб, ҳисоб ва ҳисобот ахборотларини қонунийлигини аниқлаш учун амалга оширилади.

Ахборот функцияси – орқали молиявий ҳисоботлар асосида бюджет ижроси жараёнида даромадлар, бюджет харажатлари мақсадли йуналиши, натижалар буйича маълумотлар шаклланади.

Бюджет ҳисобининг субъектлари бўлиб, молия органлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, бўлимлари), Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлимлари, Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, бюджет ташкилотлари бўлиб ҳисобланади.

Бюджет ҳисобининг объектлари бўлиб, бюджет ижроси жараёнида бюджет даромадлари ва харажатлари, бюджет пул маблаглари, бюджет ссудалари, ҳисоблашув бўйича маблаглар, айланма касса маблаглари, бюджет ташкилотларининг даромадлари, харажатлари, молиявий, номолиявий активлари, мажбуриятлари ва молиявий натижалари ҳисобланади (3-расм).



3-Расм. Бюджет ҳисобининг объектлари.

Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"га мувофиқ давлат бюджети даромадлари куйидагилар ҳисобига шакллантирилади :

- солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар;
- давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;
- мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблаглари;

• юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

• резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларининг ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;

• қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Давлат бюджетининг харажат қисми қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- нодавлат нотариот ташкилотларининг ва фуқароларнинг ҳақларининг бошқа институтларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- иқтисодиёт харажатлари;

- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сақлаб туриш харажатлари;

- судларни, адлия ва прокуратура органларининг сақлаб туриш харажатлари;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сақлаб туриш харажатлари;

- бошқа харажатлар.

Давлат бюджетни пул маблағлари ҳаракати ва ҳисоби Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан юритилади.

Бюджет ссудаси - қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қўйи турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юридик шахсга ажратиладиган пул маблағларидир. Бюджет ссудаси бюджет ижроси жараёнида юзага келадиган қасса узлишларининг қоплаш учун юқори бюджетдан қўйи бюджетга ажратилади.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар молия йили мобайнида бюджетлар параметрлари ўзгарганда юқори ва қўйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатларидир.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар:

- қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг пронози аниқлаштирилганлиги;

- бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларининг бўйсунуви ўзгарганда харажатлар бир бюджетдан бошқа бюджетга ўтказилганлиги;

- капитал қўйилмалар лимитлари бюджетлар даражалари ўртасида қайта тақсимланганлиги муносабати билан юзага келади.

Бюджет ижроси жараёни натижаси бўйича айланма қасса маблағлари қолдиги шакллантирилади. Айланма қасса маблағлари бўйича меъёр белгиланади.

Айланма қасса маблағи меъёри - молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент

шахри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий газна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдоридир.

Бюджет ташкилотлари фаолияти харажатлари бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Шу билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағлар манбалари бўйича шакллантирилади. Бюджет ташкилотлари харажатлари смета доирасида харажатлар иқтисодий таснифи бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг молиявий активлари яъни пул маблағлари Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлиmlарида очилган шахсий ҳисобварақларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида юритилади. Бюджет ташкилотлари номолиявий активларига асосий воситалар, номоддий активлар, товар моддий захиралар, материал қийматликлар ва бошқалар киради. Даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёнида номолиявий активлар ҳисоби белгиланган тартибда юритилади.

Бюджет ташкилотлари сметалар ижроси жараёнида белгиланган вазифани бажариш бўйича жиқсоний ва юридик шахслар билан ҳисоблашувларни амалга оширади ва улар бўйича мажбуриятлар юзага келади.

Бюджет ташкилотлари жорий йилга молиявий натижаларни маблағларни шаклланиши манбаалари бўйича шакллантиради ва якуний молиявий натижани аниқлайди.

Бюджет ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини қабул қилинган қонуний ҳужжатлар ташкил этади (4-расм).

Бюджет ҳисобини бевосита ва бiлвосита ташкил этилишини тартибга солувчи қонулар ва қонуний ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси қонуллари, Ўзбекистон Республикаси Президентини фармонлари, қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

Бюджет ҳисобини ташкил этилишини базавий тамойилларини умумлаштирувчи меъёрий ҳужжатлар (йўриқномалар, низомллар)

Бюджет ҳисобининг алоҳида объектлар ҳисобини юритиш механизми, хусусиятларини ақс эгтирувчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг услубий қўрсатмалари, тавсиялари)

4-расм. Бюджет ҳисобини меъёрий-ҳуқуқий асослари тизимини

Давлат бюджети ижросининг ҳисоби устидан умумий услубий раҳбарлик қилиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет ҳисоби бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

- бюджет ҳисобини ташкил қилишга услубий раҳбарлик қилади;
- бюджет ҳисоби бўйича ваколатли органлар учун йўриқномалар ва услубий курсатмаларни ишлаб чиқади.

Бюджет ташкилоти - зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

Бюджет ташкилотлари даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг услубий курсатмаларига ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ташкил қиладилар. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, зарур ҳолларда, ўзларининг тизимидаги бюджет ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келинган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг умумий қондаларини қўллаш тартиби тўғрисида курсатмалар ишлаб чиқаришлари мумкин.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишдан мақсад фойдаланувчилар (ички, ташқи) ни даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёни бўйича ўз вақтида, тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ва молиявий ахборотлари билан таъминлаб беришдан иборат.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Бухгалтерия ҳисобини амалдаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этиш;
- Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш;
- Даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёни муомалаларини ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкрий қийматликлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси натижаларини шакллантириш;
- Бюджет ижросига оид бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ва ҳисоботларни тузишдан иборатдир;
- Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва бошқалар.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини алоҳида хусусиятлари куйидагилардан иборат:

1. Даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси назорат қилиниши;
2. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритилиши;
3. Бюджет таснифи асосида ҳисобни ташкил этилиши ва ҳисоботларни шакллантирилиши;
4. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилинган ҳолда юритилиши.

Даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси назорат қилиниши – Бюджет ташкилотларда ҳар йили белгиланган тартибда бюджет маблаглари бўйича харажатлар сметаси ва штатлар жадвали тузилади ва тасдиқланади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби харажатлар сметаси ижросини таъминлаб беради. Бунда харажатларни иқтисодий таснифи асосида смета доирасида харажатлар молияланади ва амалга оширилади. Булардан ташқари бюджетдан ташқари маблаглар манбаалари (таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шакли маблаглари, бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамгармаси маблаглари, тиббиёт муассасалари моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси маблаглари, бюджетдан ташқари бошқа махсус маблаглар) бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади ва ижроси амалга оширилади. Шунинг учун бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритишда сметалар ижроси назорат қилинади.

Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритилиши – Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар ижроси жараёнида касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисоби юритилади. Бюджет ташкилотлари томонидан гозначиликдаги шахсий ҳисоб варақлардан харажатларни тулаб берилиши касса харажатлари кўринишида ҳисобда акс эттирилади. Масалан иш ҳақи бўйича молиявий мажбуриятлар тулаб берилганда яъни тегишли солиқлар ва ажратмалар ўтказилганда ходимлар пластик карточкаларига иш ҳақи ўтказиб берилганда ёки кассадан берилганда касса харажати кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Бюджет ташкилотлари томонидан харажатлар сметалари доирасида амалга оширилган лекин тулаб берилмаган харажатлар ҳақиқий харажат кўринишида ҳисобда акс эттирилади. Масалан смета доирасида иш ҳақи ҳисобланган лекин тулаб берилмаган ёки иш хизматлар курсатишган, товарлар олинган лекин тулаб берилмаган харажатлар ҳақиқий харажат кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритиш учун алоҳида 294 - шаклдаги дафтар юритилади шунингдек ҳисобот шаклларида ҳам акс эттирилади.

Бюджет таснифи асосида ҳисобни ташкил этилиши ва ҳисоботларни шакллантирилиши - Бюджет ташкилотлари томонидан тузилган даромадлар ва харажатлар сметалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан руйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома" асосида 1-гурух, 3-гурух, 3-гурух, 4-гурух харажатлари харажатларнинг

иктисодий таснифи бўйича акс эттирилади ҳамда ижроси ҳақидаги бухгалтерия ҳисоботлари шаклларида ҳам бюджет харажатларининг иктисодий таснифи бўйича ахборотлар шакллантирилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни меъёрий ҳужжатларга катъий амал қилинган ҳолда юритилиши - Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Молия вазирлигининг бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади. Шу билан бирга қонуничиликка мувофиқ бюджетдан ташқари даромадлар аниқ манбаалари бўйича шакллантирилади ва сарфланиши йўналишлари белгиланади. Масалан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414 – сон "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириши манбаалари белгиланган. Шунингдек ривожлантириш жамғармаси маблағлари биринчи навбатда кредиторлик мажбуриятларни тугатиш йўналтирилиши, агарда кредиторлик қарздорлик мавжуд бўлмаса камиди 75 фонзи моддий техника базасини мустаҳкамлашга, қупи билан 25 фонзгача ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши белгиланган. Бухгалтерия ҳисобини юритишда юқорида келтириб ўтилган қонунчилик билан белгиланган меъёрларга катъий амал қилинади. Умуман бюджет ташкилотларида ҳисобни ташкилий, техник, услубий жиҳатлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга катъий амал қилган ҳолда ташкил этилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби мемориал ордер шаклида олиб борилади.

Текширилган ва ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҳужжатлар санаси бўйича тартиблаштирилиб, қуйидаги донмий рақамли мемориал ордер — жамланма кайдномалар билан расмийлаштирилади:

1-мемориал ордер – касса операциялари бўйича жамланма кайднома, 381-сон шакл;

2-мемориал ордер – бюджет маблағларининг ҳаракатига доир жамланма кайднома, 381-сон шакл;

3-мемориал ордер – бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма кайднома, 381-сон шакл;

5-мемориал ордер – иш ҳақи ва стипендиялар бўйича ҳисоб-китоб варақалари йиғиндиси, 405-сон шакл;

6-мемориал ордер – турли ташкилотлар ва муассасалар билан олиб борилган ҳисоб-китоблар бўйича жамланма кайднома, 408-сон шакл;

8-мемориал ордер – ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича жамланма кайднома, 386-сон шакл;

9-мемориал ордер – асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва жойдан жойга кўчирилиши бўйича жамланма кайднома, 438-сон шакл;

11-мемориал ордер – озиқ-овқат маҳсулотларининг қириниға доир жамланма кайднома, 398-сон шакл;

12-мемориал ордер – озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфига доир жамланма қайднома, 411-сон шакл;

13-мемориал ордер – материаллар сарфига доир жамланма қайднома, 396-сон шакл;

15-мемориал ордер – таълим муассасаларида болаларни сақлаганлик учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича қайднома, 406-сон шакл.

Қолган операциялар (асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш, асосий фондларни ҳар йилги қайта баҳолаш, бюджетдан ташқари даромадлар ҳисоби, йилни якунлаш операциялари ва ҳ.к) ва “Сторно” операциялари бўйича алоҳида мемориал ордерлар тузилади (274-сон шакл) ва улар ҳар ой учун алоҳида 16 рақамдан бошлаб рақамланади.

Операциялар ҳажмига қараб жамланма қайдномаларни тузиш талаб қилинмайдиган ташкилотларда субсчётлар корреспонденцияси алоҳида мемориал ордерларда (274-сон шакл) юқорида келтирилган доимий рақамлар берилиб кўрсатилади.

Алоҳида мемориал ордерлар операцияларнинг содир бўлишига қараб, аммо бошлангич ҳисоб ҳужжатлари олингандан кейинги кундан кечиктирмасдан айрим ҳужжатларга ёки бир хилдаги ҳужжатларнинг бир гуруҳи асосида тузилади. Субсчётлар корреспонденцияси мемориал ордерларда икки ёқлама ёзув конадасига мувофиқ ёзиб борилади.

Мемориал ордерлар бош ҳисобчи (ёки унинг ўринбосари) ва ижрочи (ҳисобчи) томонидан имзоланади.

Барча мемориал ордерлар 308-сон шаклдаги “Бош-журнал китоби”да рўйхатга олинади. “Бош-журнал китоби” ҳар бир субсчёт бўйича юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига ҳамда Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқномага (Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ бюджет ташкилотининг бош ҳисобчиси, ҳисобчилари, бухгалтерия хизматининг раҳбарлари (кейинги ўринларда бош ҳисобчи деб юритилади) мазкур ташкилот раҳбари томонидан қонунчиликка мувофиқ лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Агарда тегишли қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилотларнинг бош ҳисобчилари ўзларининг тизимидаги ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини юритилишини ва молжавий ҳисоботларни тўғри тузилишини мунтазам назорат қилиб туришлари лозим.

Бош ҳисобчи бошчилик қиладиган ташкилотнинг бухгалтерияси мустақил таркибий бўлима ҳисобланади.

Ташкилот бош ҳисобчиси бевосита мазкур ташкилот раҳбарига бўйсунди. Бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш масалалари бўйича эса, ташкилотнинг раҳбаридан ташқари юқори ташкилот бош ҳисобчисига ҳам бўйсунди ҳамда ташкилотда бухгалтерия ҳисобини юритилишига, молжавий ҳисоботларни ўз вақтида ва тулиқ топширилишига ҳамда юқоридаги Йўриқнома, шунингдек, бошқа норматив-

хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажарилишига жавобгар бўлади.

Бош ҳисобчи бухгалтерия ходимлари учун хизмат вазифаларини ҳар бир ходим учун алоҳида белгилайди. Бухгалтерияда хизмат вазифалари функционал белгиларга қараб тақсимланади, яъни ходимларнинг ҳар бир гуруҳига ёки алоҳида бир ходимга ишнинг ҳажмига қараб, маълум бир соҳа бириктирилади.

Ташкилот бош ҳисобчиси лавозимга тайинланишида ва ундан озод этилишида белгиланган тартибда ташкилот раҳбарининг буйруғига мувофиқ тузилган комиссия томонидан қабул қилиш – топшириш кунинда ҳисоб, ҳисобот ва архив ҳужжатларининг ҳолатини кўрсатган ҳолда бухгалтерия ишларини қабул қилиш–топшириш тўғрисидаги далолатнома тузилади. Зарур ҳолларда, ушбу комиссия таркибига юқори ташкилот ҳамда тегишли молния органлари билан келишилган ҳолда уларнинг вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Бюджет ташкилоти бош ҳисобчисининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисобини Йўриқнома ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда юритиш, шунингдек, ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- бухгалтерия ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини олдиндан назорат қилиш;

- бюджет маблағларини, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасида қўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарфланиши, шунингдек, пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг бутлиги устидан мунтазам назорат қилиш;

- тизимга кирувчи ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини қонунчилик талабларига мувофиқ юритилишини назорат қилиш;

- ташкилотда ходимларнинг иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларини, шунингдек, таълим муассасаларида талабаларнинг стипендияларини белгиланган тартибда ҳамда ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш;

- смета ижроси жараёнида вужудга келадиган юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

- пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва моддий қимматликлар, шунингдек, бошқа активларни ва мажбуриятларни инвентаризация қилишда қатнашиш, инвентаризация натижаларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобиди ақс эттириш;

- моддий жавобгар шахсларга уларнинг жавобгарлигида турган моддий қимматликларнинг бутлигини сақлаш ва ҳисобини олиб бориш юзасидан

- молнявий ҳисоботларни белгиланган муддатларда тузиш ва топшириш;

- ташкилот раҳбари тасдиқлаш учун харажат сметаларини ва уларга илова қилинадиган ҳисоб-китобларни тузиш (агар режалаштириш бўлимлари ёки ушбу вазифани амалга оширувчи лавозим штатлар жадвалида назарда тутилмаган бўлса);

- асосий воситалар ҳамда бошқа моддий қимматликларни уларнинг сақланиш ва фойдаланиш жойларида бутлигини мунтазам назорат қилиш;

- бухгалтерия ҳужжатларини, ҳисоб регистрларини, шунингдек, харажатлар сметаларини (илова ҳисоб-китоблари билан бирга) сақланшини таъминлаш (агар режалаштириш бўлимлари ёки ушбу вазифани амалга оширувчи лавозим штатлар жадвалида назарда тутилмаган бўлса);

- қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажарилишини таъминлаш.

Бюджет ташкилотининг бош ҳисобчиси юқоридаги вазифа ва мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда қўлидаги ҳуқуқларга эга:

• бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишлари тўғри ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўришни ташкилот раҳбаридан талаб қилиш;

• таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қимматликларни қабул қилиш, сақлаш ҳамда сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга амал қилинишини текшириб туриш;

• муқофотлар ҳажмларини пасайтириш (агарда қонунчиликда белгиланган нормалардан ошиб кетган бўлса) тўғрисида ташкилот раҳбарига таклифлар киритиш;

• ташкилотнинг барча бўлинмаларидан бухгалтерия ҳисобини юритиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштиришни ҳамда бухгалтерияга тақдим қилишни талаб қилиш;

• қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

Бош ҳисобчи қўлидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

- бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, натижада тартибсиз ҳолатга келгани ва молнявий ҳисобот бузилганда (нотўғри тузилганда);

- пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қимматликларни қирим қилиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибга зид операциялар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилган ва ижрога қабул қилинган ҳолларда;

- пул маблағлари бўйича операциялар, шунингдек, дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ҳамда нотўғри амалга оширилганда;

- қамомадлар, дебиторлик қарзлари ва бошқа йўқотишларни бухгалтерия ҳисобидан чиқарилиш тартиби бузилганда;

- бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганда.

1.2 Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва тузилиши

Счётлар режаси – бу бюджет ташкилотининг маблағлари ва уларни ташкил бўлиши манбаларига ҳаракатига оид муомалаларни ҳисоби учун белгиланган счётларини тизимга солинган руйхатидир. Ҳозирги кунда бюджет ташкилотлари счётлар режаси алоҳида белгиланган бўлиб юритиб келинмоқда ва улар ёрдамида муомалаларни жорий ҳисобда акс эттириш, иктисодий гуруҳлаш, тезкор назорат қилиш жараёни амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йуриқиомага (Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан руйхатга олинган) мувофиқ счётлар режаси жорий этилади.

Барча счётлар бешта кпем бўйича тизимга келтирилган бўлиб улар куйидагилардан иборат:

- I. Номолиявий активлар;
- II. Молиявий активлар;
- III. Дебиторлар ва кредитторлар;
- IV. Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар;
- V. Балансдан ташқари счётлар.

Счётлар режасининг биринчи ва иккинчи бўлимлари актив счётлар ҳисобланади, учинчи бўлим счётлари актив-пассив счётлар, туртинчи бўлим счётлари пассив счётлар ҳисобланади.

Счётлар балансга нисбатан – баланс счётлари ва балансдан ташқари счётларга бўлинади.

Баланс счётлари бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёнида маблағлар ва уларни ташкил бўлиш манбааларини акс эттиради.

Баланс счётлари ҳисобга оладиган объектларни номланиши бўйича номолиявий активларни ҳисобга олувчи счётлар, молиявий активларни ҳисобга олувчи счётлар, дебитор ва кредитторларни ҳисобга олувчи счётлар, молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётларга бўлинади.

Балансдан ташқари счётларда ташкилотда вақтинчалик турган ва унга қаршли бўлмаган моддий қимматликлар (ижарага олинган асосий воситалар, жавобгарликда сақлаш учун ёки қайта ишлаш учун олинган моддий қимматликлар), шунингдек, қатъий ҳисобот бланкалари, дам олиш уйлари ҳамда санаторийлар учун йўлланмалар ва бошқалар ҳисобга олинади.

Балансдан ташқари счётларда ҳисоб оддий ҳисоб системасида юритилади. Яъни, балансдан ташқари счётлар бўйича бухгалтерия операциялари икки ёқлама усулда эмас, балки бир ёқлама усулда (фақатгина счётнинг дебитида ёки фақатгина счётнинг кредитида) бухгалтерия ёзуви бериш орқали акс эттирилади.

Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинган барча товар-моддий қимматликлар, шунингдек, ижарага олинган асосий воситалар балансда ҳисобга олинган моддий қимматликлар учун белгиланган тартибда ва муддатда инвентаризация қилинади.

Амалдаги меъърий ҳужжатларга мувофиқ бюджет ташкилотларига, зарур ҳолларда, бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида, белгиланган тартибда қўшимча балансдан ташқари счётларни қўллашларига рухсат этилади. Бунда, мазкур қўлланиладиган қўшимча балансдан ташқари счётлар бюджет ташкилотларининг ички буйруклари билан тасдиқланиши лозим.

Бухгалтерия счётлари ҳисобга оладиган объектларни иқтисодий мазмуни бўйича актив счётлар, пассив счётлар, актив-пассив счётларга бўлинади.

Яъни, актив счётлар – бу актив (маблаг)ларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар бўлиб, унда иқтисодий ресурсларнинг қолдиги ва қупайиши счётнинг дебетида, камайиш эса кредит бўйича акс эттирилади.

Жумладан, актив счётларга 01-Асосий воситалар, 05-Тайёр маҳсулот, 06-Бошқа товар-моддий захиралар ва бошқалар киради.

Пассив счётлар – бу мажбурият ва манбаларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар бўлиб, унда мажбурият ва манбаларнинг қолдиги ва қупайиш счётининг кредити бўйича, камайиш эса дебет бўйича акс эттирилади.

Жумладан, пассив счётларга 242 - Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблаглари, 252 - Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблаглари бўйича даромадлар, 262 - Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблаглари бўйича даромадлар ва бошқалар киради.

Актив-пассив счётлар – бу бухгалтерия ҳисоби объектларининг қупайиши ва камайиши счётнинг ҳам актив, ҳам пассив томонида акс эттирилиши мумкин.

Буларга, 150-Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар, 172-Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар, 179-Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар ва бошқалар киради

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия баланси бу ташкилот маблагларини уларни турлари ва ташкил топиш манбалари бўйича муайян бир даврга пулда ифодаланиб умумлаштириб акс эттириш ва иқтисодий гуруҳлашдир. Бюджет ташкилотлари баланси таркиби актив ва пассив қисмлардан иборат бўлиб, актив томони номолиявий активлар, молиявий активлар, дебиторлар бўлимларидан иборат. Балансини пассив томони кредиторлар, молиявий натижалар бўлимларидан иборат.

Бюджет ташкилотининг даромадлар ва харажатлар сметаларини ижроси бўйича бухгалтерия балансининг схематик кўриниши.

АКТИВ		ПАССИВ	
Бўлим		Бўлим	
I	Номолиявий активлар	IV	Кредиторлар
II	Молиявий активлар	V	Молиявий натижалар
III	Дебиторлар		
БАЛАНС		БАЛАНС	
Бюджетдан ташқари ҳисоблар			

1.3 Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда шtatлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби

Харажатлар сметаси – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкилотлар учун харажатлар моддалари бўйича кузда тутилган бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади. Бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар даромадлари ва харажатлари бўйича сметалари тузилади ва тасдиқланиб ижроси таъминланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетларида ҳамда маҳаллий бюджетларда турувчи ташкилотларни молиялаштириш, улар учун тасдиқланган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Юқорида келтирилган харажат гуруҳлари асосида бюджет ташкилотлари бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларини шакллантиради.

Бюджет ташкилотлари томонидан молия йили бошида харажатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтгунга қадар вақтинчалик харажатлар сметасини тузади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари – қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилотлар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлардир. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлари ташкил бўлиш манбаалари қуйидагилардан иборат:

- Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

- Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

- Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шакли маблағлари;

- Бошқа бюджетдан ташқари махсус маблағлар.

Юқорида келтирилган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида-алоҳида даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади.

Харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни харажатларнинг иктисодий таснифига мувофиқ харажатлар гуруҳлари бўйича, 4 гуруҳ харажатларнинг тўлиқ ёйилмасини ва ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолдаги илова билан биргаликда тузилади.

Илова харажатлар сметасининг ажралмас қисми бўлиб, сметасининг прогноз ҳисоб - китобларини асослайди ва ҳисобот тузиш мақсадида фондаланилади.

Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иктисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иктисод қилишнинг катъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуйидагиларга амал қилиш керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларига;

- бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар меъёрларига;

- товар ва хизматларни давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига.

Жумладан:

- харажатлар сметасига иш ҳақи учун маблағлар қонунчилик билан белгиланган маошлари ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий шартлар ва меъёрларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Ишбай усул билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи харажатлар сметасига бюджет йилига харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

- педагог ходимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ва ўқув режасига мувофиқ дафтар текшириш, сифф раҳбарлиги ва бошқалар учун қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда тузилган тарификациялардан келиб чиқиши лозим;

- тиббиёт ходимлари иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, иш ҳақи ставкалари ва қонунчиликка мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда тузилган тиббиёт ходимлари тарификацияларидан келиб чиқиши лозим;

- олий ўқув юртидан кейинги таълимда таълим олувчиларни стипендия харажатлари белгиланган стипендиялар миқдори ва стипендия таъминоти тартибидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади;

- меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ белгиланган ставкаларда,

конунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта мукофотини тулаш харажатлари харажатлар сметасига конунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг барча ходимларининг ўтган йилги иш ҳақининг ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

- хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар учун харажатлар лимитлар доирасида коммунал хизматлар учун баҳо ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

- телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифларидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда, лимитдан ошиб фойдаланилган шаҳарлараро (давлатлараро) сўзлашувлар учун алоқа хизматлари, интернет бўйича хизматлар ва бошқа алоқа хизматлари харажатлари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида тегишли молния органлари билан келишилган ҳолда ўзларининг фаолият хусусиятларидан ва ушбу хизматларга булган талабдан келиб чиқиб кўзда тутилади;

- даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларида овқатланишга кетадиган харажатлар ташкилотларнинг ҳар бир тури учун тасдиқланган овқатланиш кунининг ўртача йиллик сонидан ва натурал меъёрларидан келиб чиқиб ҳисобланади;

- дорн-дармонларга кетадиган харажатлар конунчиликда белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб: стационарларда – ҳар бир жой-қунга, шифохоналарда – шифокорга ҳар бир киришга белгиланади;

- ижтимоий-маданий ташкилотларни айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пойабзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

- сув, урмон ҳужалиги ва бошқа ташкилотларни саклаш харажатлари уларнинг бажараётган иш меъёри ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

- инспекция ва кўриклаш фаолияти билан боғлиқ хизматлар тўлови харажатлари ташкилотлар ва ушбу хизматларни етказиб берувчилар ўртасидаги шартномага мувофиқ аниқланади;

- ташкилотларнинг бинолар, иншоотлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа давлат мулкларни ижараси билан боғлиқ харажатлари белгиланган лимитлар ва натурал кўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

- хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифаларидан, шунингдек конунчиликда белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

- эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига (чигирткалар, тут парвонаси ва бошқалар) қарши

курашиш билан боғлиқ харажатлар прогноз иш ҳажмлари ва кимёвий препаратларга бўлган эҳтиёжлар, шунингдек бажариладиган иш турларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юқорида курсатилган харажатлар, шунингдек Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича бошқа харажатларни аниқлашда бошқа кўрсаткичлар ва услублар қўлланиши мумкин, уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли молия органлари томонидан текширилади.

Харажатлар сметасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорқалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг ёки тегишли вилоятлар, шаҳарлар, туманлар Халқ депутатлари кенгашлари сессияларининг бюджет ҳақидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки hafta муддат ичида (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ва тегишли бюджетларда турувчи ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлинган ҳолда амалга оширилади ҳамда сметаларни тасдиқлаган ташкилот раҳбари (ёки раҳбар ўринбосари) имзоси билан, тасдиқланган куни курсатилган ҳолда, шунингдек ушбу ташкилотнинг муҳри сметанинг барча нусхаларига босилиб, бир пайтнинг ўзида харажатлар сметаси бўйича умумий суммасини юқори ўнг бурчагида штатдаги ходимларнинг меҳнатга ҳақ тулаш жамгармасининг умумий суммасини ажратиб кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.

Ташкилотларнинг харажатлар сметалари, шунингдек марказлашган харажатлар сметалари тасдиқлангандан сунг чораклар (оёлар) кесимндаги харажатларни йиллик умумлашмаси бюджет таснифининг бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари ва иқтисодий таснифи бўйича чоракларга (оёларга) бўлинган ҳолда аниқланади ва тегишли молия органига тақдим этилади.

Шу билан бир вақтда сетлар, контингентлар ва штатлар бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлар тақдим этилади.

Умумий сметалар тасдиқлангандан сунг марказлашган бухгалтериялар бу сметалар бўйича молиялаштириладиган ташкилотларга куйидагиларни хабар қиладилар:

- штатлар ва ташкилот ходимлари иш ҳақи ставкалари ҳақидаги маълумотлар;
- ташкилотларнинг ҳўжалик эҳтиёжларига режалаштириладиган йилда ажратиладиган ёкилги миқдори, электроэнергия ва сув бўйича натурал кўрсаткичлар;
- бюджет маблаглари доирасида сотиб олишга мулжалланган инвентарлар ва асбоб-ускуналар рўйхати;
- капитал ва жорий таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхати;
- ҳокимиятларнинг тегишли молия бошқармалари ва бўлимлари томонидан, юқори молия органлари билан келишилган ҳолда белгиланган ташкилотларга хабар бериладиган курсаткичлар ва шакллари рўйхати.

Ташкилотлар белгиланган шаклда бюджетдан ташқари маблаглар бўйича сметани ҳар йили тузадилар ва тасдиқлайдилар. Бунда, ташкилотлар

бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини ва харажатларини рэжалаштиришни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

1. Ташкилотлар куйидаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузадилар:

- бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамгармаси;
- тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси;
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар;
- қонунчиликда белгиланган бошқа барча бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармаларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган туловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича, Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамгармаси ва Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси бундан мустасно, сметалар тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ташкилотларнинг харажатлар сметаси учун юқорида айтиб ўтилган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметада бюджетдан ташқари маблағлар тушумларининг ҳажми ва ушбу маблағлардан фойдаланиш йўналишлари қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларнинг даромад қисмига бюджетдан ташқари маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ барча шаклланиш манбаалари бўйича қўйилаётган маблағлар тушуми ва молия йилининг бошига маблағлар қолдиги киритилади.

Қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар ҳисобидан ходимлар бирликлари сақланган ҳолларда, сметага штатлар жадвали илова қилинади. Бунда, рўйхатдан ўтказиладиган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета билан бирга штатлар жадвали ҳам рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинади.

Ташкилотларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвали, шунингдек амалдаги харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартiriшлар улар молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Ташкилотларнинг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур ташкилотни молиялаштириш амалга ошириладиган тегишли бюджетнинг параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб қирқ кундан кечиктирмай (аммо, молия йилининг 10 февралидан кечикмаган ҳолда) тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Молия органларининг раҳбарлари, қарамоғида куйи ташкилотлари бор бўлган юқори ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда, ҳар бир

ташкilotни рўйхатдан ўтказиш муддатларини белгиланган муддатда рўйхатга олишни бутунлай тугатишни ҳисобга олган ҳолда белгилайдилар.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек бюджетдан ташқари маблаглар бўйича смета ва вақтинчалик харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш қуйидагича амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети тасарруфидаги ташкilotлар – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида;

- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети тасарруфидаги ташкilotлар – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларида;

- шаҳарлар ва туманлар бюджети тасарруфидаги ташкilotлар – шаҳарлар ва туманлар молия бўлимларида.

Штатлар жадвали режалаштирилаётган йилнинг 1 январь ҳолатига ҳар бир ташкilot бўйича алоҳида ҳолда, уларнинг тузилмавий бўлинмалари кесимида мазкур ташкilot учун ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ равишда тузилади.

Штатлар жадвалига киритиладиган лавозимлар номлари ва маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва ёрдамчи (хизмат курсатувчи ва техник) ходимларининг сони, ходимлар ва меҳнатга ҳақ тулаш бўйича уларнинг разрядлари (базавий ставкалари) қуйидагиларга мувофиқ бўлиши шарт:

- белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалида ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядларда (базавий ставкаларда) назарда тутилган лавозимларга;

- ходимларнинг умумий бирликлари доирасига ва бошқарув хизматчиларининг ходимлар бирликларига;

- ташкilotлар турлари бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалларига;

- давлат бошқарув органларида ходимлар тоифаларининг меъёрий нисбатларини давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат курсатувчи ва техник ходимлари лавозимларининг номенклатураси билан мувофиқлигига.

Тарификация рўйхатига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашни ҳисоб-китоб қилинадиган лавозимлар штатлар жадвалига ставкалар сони, лавозимларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича (ўқитувчилар, тарбиячилар, врачлар, ўрта тиббий ходимлар ва бошқалар), тўловларнинг турлари бўйича (педагогларга дафтар текширишга, синф раҳбарлигига, махсус унвон учун ва бошқалар) ойлик меҳнатга ҳақ тулаш жамғармасини кўрсатган ҳолда ва тарификация рўйхатини штатлар жадвалига илова қилган ҳолда киритилади.

Штатлар жадвалида, шунингдек, яқун бўйича алоҳида қаторда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва йил бўйича ҳисоб-китоблар натижасида устамалар тулашга, қўшимчалар ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йуналтириладиган маблаглар кўрсатилади, масалан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан 15 фоиз миқдорда шаклландирган Бюджет ташкилотлари ва муассасаларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси;

- узок йиллик меҳнати учун бир марталик рағбатлантиришни тўлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлаш учун меҳнатга ҳақ тулаш жамғармаси;

- меҳнат таътилидаги шахсларнинг ўрнини босувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;

- умумтаълим муассасалари, урта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг директор жамғармаси ва бошқалар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Бюджет ташкилотлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосий мақсади нималардан иборат?
3. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини вазифаларини айтиб беринг?
4. Бюджет ташкилотларида бош ҳисобчи ким томонидан тайинланади?
5. Бюджет ташкилотларида бош ҳисобчинини вазифалари нималардан иборат?
6. Бюджет ташкилотларида бош ҳисобчининг ҳуқуқларини айтиб беринг?
7. Бюджет ташкилотларида бош ҳисобчининг жавобгарлиги нималардан иборат?
8. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишдан мақсад нима?
9. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг узига ҳос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия счётлар режаси ва балансини таркибини айтиб беринг?
11. Бюджет ташкилотлари счётлари таснифини айтиб беринг?
12. Бюджет ташкилотларида актив-пассив счётларини моҳиятини шарҳлаб беринг?
13. Балансдан ташқари счётлар нима мақсадда қўлланилади?
14. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия баланс таркибини айтиб беринг?
15. Харажатлар сметаси нима учун тузилади ва уни аҳамиятини тушунтириб беринг.
16. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасини тузиш тартибини айтиб беринг?
17. Штатлар жадвалини тузиш тартибини айтиб беринг?
18. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тузилиши тартибини айтиб беринг?
19. Штатлар жадвалини моҳиятини шарҳлаб беринг?

20. Бюджет маблаглари бўйича харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблаглар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси, шунингдек штатлар жадвали қайси орган томонидан текширилади ва тартиби қандай?

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ САВОЛЛАРИ:

1. Бюджет ташкилотларини ташкилий ҳуқуқий асослари;
2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг услубий асослари;
3. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юриштишнинг мақсади ҳамда вазифалари;
4. Бюджет ташкилотларида бош ҳисобчи фаолиятини ташкил этиши;
5. Бюджет ташкилотларида бош ҳисобчинини вазифалари;
6. Бюджет ташкилотларида бош ҳисобчининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги;
7. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари;
8. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия счётлар режаси ва баланснинг тайинлангани ва тузилиши;
9. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия счётлари таснифи;
10. Бюджет ташкилотларида актив, пассив, актив-пассив счётларни моҳияти;
11. Балансдан ташқари счётларни қўлланилиши тартиби;
12. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия баланси таркиби;
13. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблаглар манбаалари;
14. Бюджет ташкилотларида харажатлар сметасини урни ва аҳамияти;
15. Бюджет маблаглари бўйича харажатлар сметасини тузиш тартиби;
16. Штатлар жадвалини тузиш тартиби;
17. Бюджетдан ташқари маблаглар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тузилиши тартиби;
18. Штатлар жадвалини моҳияти;
19. Бюджет маблаглари бўйича харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблаглар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси, шунингдек штатлар жадвалини тасдиқланishi тартиби;
20. Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш тартиби.

ГЛОССАРИЙ

Актив счёт - бу активларни акс эттиришга мўлжалланган счёт бўлиб, унда иктисодий ресурсларнинг қолдиғи ва кўпайиши счётнинг дебетига, камайиш эса кредит бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия счёти - корхоналар иктисодий ресурсларининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги бухгалтерия аҳборотини қайд этиш ва сақлаш услуби ва уларга бўлган талаблар.

Бялансдан ташқари счётлар - бу корхонага карашли бўлмаган, лекин вақтинчалик тасарруфида бўлган, активларни бори ва ҳаракати, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни умумлаштиришга мўлжалланган счётлар. Бу счётлар бошқа счётлар билан ўзаро боғланмайди.

Бюджет таснифи – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва ҳаражатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбалари гуруҳланишидир.

Бюджет сурови – бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги суров;

Бюджет ташкилоти – зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ булган ўз фаолиятини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти;

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари – конунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбаалар ҳисобидан ташкилотлар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлар;

Бюджетдан маблағ олувчиларининг бюджетдан ташқари маблағлари - ижтимоий тўловлар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, оналарнинг мактабгача ва мактабдан ташқари ташкилотларда болаларни сақлаш учун, жумладан мусика мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, ишчилардан озик-овқат ҳисоб-китоблари учун тушумлар (мактабгача болалар ташкилотлари, интернатлар ва бошқалар), улар томонидан иш жойидан оладиган, кейинчалик жорий конунчиликда белгиланган мақсадларга йўналтирилиши билан газна ҳисобварақларига ўтказиладиган маблағлар;

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкил булиш манбалари ва ушбу маблағларнинг конунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари курсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади;

Вақтинчалик ҳаражатлар сметаси – ташкилотларнинг ҳаражатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи ҳужжат бўлиб, унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, конунчиликка ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда аввалги молия йилининг охириги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортқик бўлмаган миқдорлардаги бюджетдан ажратилган маблағлар (ҳаражатлар режаси) акс эттирилади;

ТЕСТЛАР

1. Бюджет ташкилотининг ҳисоб снёсати бу ...

- а) Бюджет ташкилотида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича оқлик

ишларнинг ички тартиби

- б) Бюджет ташкилотида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича чораклик ишларнинг ички тартиби
- с) Бюджет ташкилотида смета ва унинг ижроси ҳисобини юритиш бўйича йиллик ишларнинг ички ҳолатлари
- д) Тўғри жавоб йук

2. Маблағ билан таъминлаш касса ва амалдаги харажатларнинг лимитлар доирасида бўлишини назорат қилиш ва ҳисобга олиш учун қайси дафтар юритилади.

- а) 294-шаклдаги.
- б) Касса дафтари.
- с) 296 шаклдаги
- д) 279 шаклдаги

3. Бюджет ташкилоти деганда нимани тушунасиэ?

- а) Бу зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган уз фаолиятини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилган назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган ташкилот
- б) Бу зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган уз фаолиятини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан молиялаштирилади;
- в) Бу зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган уз фаолиятини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан маблағ оладиган ва мулкчиликни турли шаклидаги корхоналар
- д) Барча жавоблар тўғри

4. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини алоҳида хусусиятларини айтиб беринг.

- а) Даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси назорат қилиниши
- б) Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритилиши
- с) Бюджет таснифи асосида ҳисобини ташкил этилиши ва ҳисоботларни шакллантирилиши
- д) Ҳаммаси тўғри

5. Балансдан ташқари счётлар нима мақсадда қўлланилади.

- а) Ташкилотнинг мол мулкларини алоҳида акс еттириш учун.
- б) Муассасага тегишли бўлмаган вақтинчалик маблағларни акс еттириш учун.
- с) Ташкилотнинг вақтинчалик балансдан чиқарилган мулклар ва бошқа қийматликлар учун.
- д) Барча жавоблар тўғри